
Туркровот маҳалласининг ичимлик суви тармоғи яхшиланмоқда

Туркровот маҳалласининг ичимлик суви тармоғи яхшиланмоқда

2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида белгиланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этиш, ҳудудларда, айниқса маҳаллаларда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини янада ривожлантириш, шунингдек, аҳолининг турмуш даражасини ошириш ҳамда тадбиркорлар учун қулай инвестиция муҳитини яратиш мақсадида Қува туманида бир қатор ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан бу борада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 декабр кунги “2023 — 2025 йилларда Ўзбекистон Республикасининг ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-465 сон қарори асосида ҳудудларда ижобий ишлар олиб борилмоқда.

Биргина Туркровот маҳалласи аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш мақсадида 3,5 км тармоқ тортиш ва 1 дона сув қудуғи қозиш ишлари олиб борилмоқда. Мазкур ишларни амалга ошириш учун 2,2 млрд.сўм маблағ сарфланиши кўзда тутилган.

Ажратилган маблағларнинг мақсадли сарфланиши, олиб борилаётган ишларнинг сифатли ва ўз вақтида бажарилиши эса туман прокуратурасининг доимий назоратига олинган.

2023-05-08 16:45:15